
МАРҒИЛОНДАГИ ЙЎЛДОШ ШАҲАРЧАСИ ЭНГ ОБОД МАСКАНЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Муҳтарам Президентимизнинг шу йил 4-5 февраль кунлари Фарғона вилоятига қилган ташрифлари давомида фаоллар иштирокида ўтказган кенгайтирилган мажлисда ҳудудлардаги мавжуд оғир “Қолоқ” маҳаллалар” рўйхати шакллантириб уларни “Обод маҳалла” дастурига киритиш таклифи берилган эди.

Хусусан, ушбу дастурга Марғилон шаҳридаги чекка ҳудуд ҳисобланган “Наврўз” МФЙ ҳудудида жойлашган Йўлдош шаҳарчаси ҳам киритилмоқда.

Бугун мазкур ҳудудда шаҳар ҳокими Адҳамжон Зиявитдинов бошчилигида коммунал соҳа ва барча мутасадди корхона ва ташкилотлар раҳбар ва ходимлари иштирокида тузилган ишчи гуруҳ томонидан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бошланди. Ҳозирги кунда ушбу хайрли ташаббусга ҳудуддаги 100дан зиёд хонадонларда истиқомат қилиб келаётган фуқаролар ҳам ўз ҳиссалари қўшиб келмоқдалар.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-02-15 17:04:58